

Жўраев Маматқул - Филология
фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Ўзбек тили,
адабиёти ва фольклори институти

АСТРАЛЬ МИФЛАР ВА УЛАРНИНГ ИПАК ЙЎЛИ ХАЛҚЛАРИ МОДДИЙ МАДАНИЯТИДАГИ ТАЛҚИНИ

Аннотация. Мақолада Марказий Осиёда яшаган қадимги аждодларимизнинг осмон ёриткичлари ва юлдузлар тўғрисидаги астраль мифларининг ўзига хос хусусиятлари, генетик асослари ва қадимги моддий маданият ёдгорликларидаги рамзий талқинлари хусусида сўз юритилади.

Таянч сўз ва иборалар: астраль миф, ўзбек фольклори, халқ тақвими, мифология, мифологик концепция, афсона, сюжет, мифик персонаж, юлдуз култи.

Аннотация. В данной статье анализируются астральные мифы и мифологические представления наших древних предков, проживавших в Центральной Азии, выявляются их специфические особенности, генетические истоки и символическая интерпретация в памятниках материальной культуры.

Опорные слова и выражения: астральный миф, узбекский фольклор, народный календарь, мифология, мифологическая концепция, легенда, сюжет, мифический персонаж, культ звезды.

Abstract. This article analyzes astral myths and mythological representations of our ancient ancestors, who lived in Central Asia, and reveals their specific features, genetic origins and symbolic interpretation in the monuments of material culture.

Keywords and expressions: astral myth, Uzbek folklore, folk calendar, mythology, mythological concept, legend, plot, mythical character, star cult.

Юлдузлар ҳаракати ва ҳолатига қараб вақт ҳисобини юритишга одатланган аждодларимиз ўзлари муттасил кузатган само жисмларини алоҳида номлар билан атаб, улар ҳақида турли хил миф ва афсоналарни яратишган. Қадимги одамларнинг мифологик тасаввурлари сон-саноксиз осмон ёриткичлари, шу жумладан, юлдузлар билан боғлиқ эътиқодий қарашларни ҳам ўз ичига олган. Юлдузлар тўғрисидаги қадимги тасаввурлар силсиласи “астраль мифлар” ёки “астромифология” деб юритилади. Астраль мифлар, асосан, этиологик характерда бўлиб, юлдузларнинг пайдо бўлиши, уларнинг осмон гумбазидаги доимий ҳаракати сабабларини тушунтириш, изоҳлаш вазифасини бажаради. Бундай

мифлар сюжетиинг етакчи композицион элементи – аввал ерда яшаган одам (ёки жонзот)нинг осмон жисмига эврилиши мотивидир.

Астраль мифлар силсиласи юлдуз туркумлари, юлдузлар, сайёралар ҳақидаги асотирилардан иборат бўлиб, қамарий ва шамсий мифлар ҳамда юлдузлар ҳақидаги асотириларни ўз ичига олади. Юлдузлар ва сайёраларнинг пайдо бўлиши, юлдуз туркумлари, Сомон йўли, ой ва куёшнинг вужудга келиши, уларнинг фазовий ҳаракати тўғрисидаги ибтидоий эътиқодларни ўзида мужассамлаштирган астраль мифлар дунё фольклоршунослигида маълум даражада ўрганилган.

Марказий Осиё минтақаси халқлари фольклоршунослигида астраль миф ва афсоналарни тўплаб, ўрганиш борасидаги дастлабки жиддий изланишлар XIX асрдан эътиборан Г. Н. Потанин, М. В. Лоссиевский, М. Бийсенов, Н. Борисовский, А. Диваевларнинг илк тадқиқотлари билан бошланган¹. Шундан кейин Г. Н. Шамсуддиновнинг Хулкар ва Етти қароқчи ҳақидаги, “Алм” таҳаллусли муаллифнинг ой ва юлдузларга бағишланган ўзбек мифлари, К. Михайловнинг эса “Зухра” юлдузи ҳақидаги қозоқ халқ афсоналари, Б. А. Куфтиннинг қозоқ халқ тақвими ва астрономик тасаввурларига оид мақолалари босилиб чиққан².

Астраль мифларнинг ўзига хос табиатини ўрганишда Г. М. Давлетшин, А. Н. Халиковларнинг Волга бўйи туркий халқларининг қадимий космогоник тасаввурлари таҳлиliga доир илмий мақолалари³ ҳам муҳим аҳамиятга эга. Фалакшунос олим Х. Абишевнинг осмон ёритқичлари ҳақидаги халқ афсоналари, шунингдек, астрономик тасаввурлар ҳамда об-ҳаво ўзгаришлари билан боғлиқ халқ қарашларининг қозоқ фольклорида акс этишини ўрганишга доир ишлари нашр этилган⁴. С. А. Қасқабасовнинг қозоқ халқ насрининг эртакдан бошқа жанрлари тадқиқига доир монографиясида эса юлдузлар билан боғлиқ қадимги мифларнинг реликтларини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган⁵. Турк олими М. Эргун ўзининг афсоналардаги эврилиш мотивини ўрганишга бағишланган тадқиқотининг 2-жилдига юлдузларнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги ўзбек, туркман, қозоқ, қирғиз, уйғур, тува, озарбайжон, гагауз,

¹ Потанин Г.Н. Очерки северо-западной Монголии. Вып. IV. – СПб., 1883; Лоссиевский М. В. Башкирская легенда о месяце // Оренбургский листок. – 1876. № 24; Улкер // Тургайская газета, 1897. № 25; Борисовский Н. Звезда «Зухра» // Тургайская газета, 1898. № 40; Диваев А. Киргизское описание Солнца, находившегося на небесах // Известия общества археологии, истории и этнографии. Т. XIV (37). – Казань, 1897. – С. 370–377; Его же. Киргизский рассказ о звездах // Известия общества археологии, истории и этнографии. Т. XIV (3). – Казань, 1897. – С. 360–369;

² Шамсуддинов Г. Н. Улькер и Жетикаракчи // ТВ. – Т., 1903, 18 май; Алм. В. Сартовские легенды. 1) Луна и звезды // Самарканд, 1905, 2 февраля. № 25. – С. 2; Михайлов К. Зухра // ТВ. – Т., 1913. № 136; Куфтин Б. А. Календарь и первобытная астрономия киргиз-казацкого народа // Этнографическое обозрение. – М., 1918. № 354.

³ Давлетшин Г. М. О космогонических воззрениях волжских булгар домонгольского периода // Из истории татарской общественной мысли. – Казань, 1979; Халиков А. Н. Отражение космогонических легенд волжских булгар в археологических материалах // Из истории ранних булгар. – Казань, 1981.

⁴ Абишев Х. Элементы астрономии и погода в устном народном творчестве казахов. – Алмата: Изд. АН Каз ССР, 1949; Ўша муаллиф. Аспан сыры. – Алмата, 1966.

⁵ Каскабасов С. А. Казахская сказочная проза. – Алмата: Наука, 1990.

ёқут, татар, бошқирд ва бошқа туркий халқлар афсоналарининг матнларини киритган⁶. Шунингдек, Марказий Осиёнинг ҳакас, тоғли олтой, мўғул, бурят ва бошқа халқлари фольклоридаги астромифологик қарашлар таҳлиliga доир илмий адабиётлар ҳам мавжуд⁷.

Юлдузлар тўғрисидаги астраль қарашлар Ипак йўли халқлари анъанавий тақвимининг юзага келишида муҳим ўрин тутганлиги Б. А. Куфтин, Х. Абишев, М. Т. Айтбоев, А. А. Бойбосунов, Д. Нуржанов, М. Жўраев каби олимлар томонидан ҳам қайд қилинган⁸. В. М. Беркутов, И. Жабборов ва Ф. Раҳмоновнинг ишларида⁹ Хулқар юлдузини кузатиш асосида тўпланган тажрибалардан деҳқончилик амалиётида кенг фойдаланилганлиги таъкидланган. Қадимги астромифология тадқиқотчиси В. Е. Ларичевнинг тахминича, осмон ёритқичларини кузатиш амалиёти, юлдузлар ҳолати ва ҳаракат йўналишидаги даврийлик ҳақидаги илк қарашлар тош асридаёқ юзага келган¹⁰.

Сайёралар ва юлдуз туркумининг тунги осмон гумбазидаги ўрни ҳамда ҳаракат йўналишларини доимий кузатиб борган қадимги одамлар у ёки бу юлдуз йилнинг муайян фаслида осмоннинг маълум бир нуқтасида бўлишига алоҳида эътибор берганлар. Улар юлдузларнинг ўзаро жойлашувига ҳам аҳамият бериб, само ёритқичлари осмон гумбазини муайян бир давр (вақт) доирасида изчил, доимий айланиб чиқишини аниқлаганлар. Натижада юлдузлар тўғрисидаги миф ва афсоналар юзага келган. Темир қозик юлдузи Ер ўқининг тўғрисида жойлашганлиги учун қадимги одамларга ўзгармайдигандай бўлиб туюлган. Шунинг учун ҳам аجدодларимиз бу юлдузни самовий тулпорлар боғланган қозик деб, унинг яқинидаги икки юлдузни – икки от, Етаганни эса ана шу отларни ўғирлаш учун тун бўйи айланиб юрадиган ўғрилар, деб тасаввур қилишган¹¹.

⁶ Metin Ergun. Turk dunyasi efsanelerinde degisme motifi. II-cilt. – Ankara, 1997.

⁷ Бутанаев В. Я. Представления о небесных светилах в фольклоре хакасов // Ученые записки Хакасского научно-исследовательского института языка, литературы и истории. Сер. филология. №3. – Абакан, 1976. Вып. 20. – С. 231–240; Бурнаков В. А., Цыденова Д. Ц. Традиционные астральные воззрения хакасов // Вестник Новосибирского университета. Сер. история, филология. – Новосибирск, 2012. № 11. – С. 270–278.

⁸ Куфтин Б. А. Календарь и первобытная астрономия киргиз-казацкого народа // Этнографическое обозрение. – М., 1918. № 3. – С. 54; Абишев Х. Элементы астрономии и погода в устном народном творчестве казаков. – Алмата, 1949. – С. 3-19; Айтбаев А. Т. Народные знания киргизов XIX – начала XX в. // Известия Академии наук Республики Киргизстан. Сер. общественных наук. Т. 1. Вып. 1. – Фрунзе, 1959. – С. 63–78; Бойбосунов А. А. Донаучные представления киргизов о природе. – Бишкек, 1990. – С. 12 – 49; Жўраев М. Ўзбек халқ тақвими ва мифологик афсоналар. – Т., 1994; Ўша муаллиф. Ипак йўли халқлари астромифологияси. – Т.: Paradigma, 2018.

⁹ Беркутов В. М. Народный календарь и метрология болгаро-татар. – Казань, 1987. – С. 28; Джаббаров И. М. Из истории техники и культуры земледелия Южного Хорезма (конец XIX – начало XX вв.) // История материальной культуры Узбекистана. Вып.2. – Т., 1961. – С. 290–294; Раҳмонов Ф. Қашқадарё воҳаси аҳолисининг зироатчиликка оид урф-одат ва маросимлари (XIX асрнинг охири – XX аср бошлари): Тарих фанлари номз. дисс. – Т., 2001. – Б. 83.

¹⁰ Ларичев В. Е. Звездные боги. – Новосибирск: Наука, 1999; Его же. Заря астрологии: Зодиак троглодитов, Луна, Солнце и «блуждающие звезды». – Новосибирск: Наука, 1999.

¹¹ Зарифов Х. Т. Ўзбек халқ дostonларининг тарихий асослари бўйича текширишлар // Пўлкан шоир. – Т.: Фан, 1976. – Б. 80.; Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари: Филол. фанлари докт. дисс. – Т., 1996. – Б. 56–74.

Айрим юлдузлар ҳаракати, жойлашуви ва айрим юлдузлар, масалан, Хулкарнинг ўз ҳаракат йўналиши давомида ой билан кесишув ўринларини билиш асосида тақвимий тушунчалар ҳам келиб чиққан. Б. М. Владимирский ва Л. Д. Кисловскийларнинг ёзишларича, энг қадимги календарлардан бири 12 йиллик ва 60 йиллик тақвимларнинг хатоси ҳар 2–5 йиллик даврий айланишдан кейин Юпитер ва Сатурн сайёраларининг ҳаракати бўйича тўғриланган экан¹². Қадимги ҳисобдонлар юлдузлар ҳаракатига қараб йилни маълум даврларга бўлганлар ва шу вақтларда бажариладиган ишларнинг натижалари қандай бўлишини олдиндан айтиб берганлар.

Туркий тилларнинг ономастик тизимида алоҳида лексик гуруҳни ташкил этадиган космонимларнинг лингвистик хусусиятларини ўрганишга бағишланган тадқиқотларда¹³ ҳам астраль қарашлар ҳамда космогоник мифларни ўрганишга алоҳида эътибор берилган.

Ипак йўли минтақаси халқларининг қадимги аҳолиси юлдузлар ҳаракатини яхши билганлиги учун ҳам уларнинг астраль миф ва тасаввурлари, табиийки, ўша даврларда яратилган моддий маданият намуналари ва санъат асарларида ҳам ўз аксини топган. Қадимги астраль мифологияда юлдузлар турли хил жониворлар ва асотирий персонажлар сифатида тасаввур қилинганлигини бу ҳудуддан топилган археологик топилмалардаги астраль тимсоллар ҳам тасдиқлайди. Самовий жисмлар ҳолати ва ҳаракатини кузатишга асосланган астрологик тушунчалар жуда эрта шаклланган мамлакатимиз ҳудудида яратилган бундай осори атиқаларда ҳам юлдузлар билан боғлиқ мифик қарашлар акс этганлигини кўрсатадиган кўплаб далиллар мавжуд.

Қадимги сакларнинг кўплаб моддий маданият ёдгорликларида астраль мифология ва унинг турли хил ишончлари ўз ифодасини топганлиги илмий манбаларда қайд этилган¹⁴. Ҳозирга қадар топилган археологик ёдгорликлар орасида юлдуз тасвири туширилган терракота ҳайкалчалари кўплаб қайд этилган. Масалан, Олтинтепа ёдгорлигининг бронза даврига оид маданий қатлами қазиб ўрганилганда лойдан ясалган аёл ҳайкалчаси топилган. Бу ўша

¹² Владимирский Б. М. Кисловский Л. Д. *Астрономия и история культуры*. – М.: Знание, 1989. – С. 16.

¹³ Нуржанова Д. Н. *Казахская космогония // Этнография имен*. – М.: Наука, 1971. – С. 229–235; Никонов В. А. *Космогония Поволжья // Ономастика Поволжья: Материалы 3-конференции по ономастике Поволжья*. – Уфа, 1973. Вып. 3; Ливетская Л. С. *Следы космогонических представлений тюркских народов в лексике и фразеологии их языков // Сущность развития и функции языка*. – М.: Наука, 1987. – С. 182–191; Примов А. *Мифлар асосида юзага келган космонимлар // Хоразм фольклори. 3-том*. – Хива, 2001. – Б. 61–63.

¹⁴ Баратов С. Р. *К вопросу реконструкции космогонических и религиозных представлений саков // Жречество и шаманизм в скифскую эпоху (материалы международной конференции)*. – СПб., 1996. – С. 140–152; Марсадалов Л. С. *Звездные аспекты сакральных колесниц из Турции, Китая и Алтая // Наскальное искусство в современном обществе. К 290-летию научного открытия Томской писаницы. Материалы международной научной конференции. Т.2*. – Кемерово: Кузбассвузиздат, 2011. – С. 68–71; Маточкин Е. П., Гиенко Е. Г. *Космос и миф в Тархатинском мегалитическом комплексе // Наскальное искусство в современном обществе. К 290-летию научного открытия Томской писаницы. Материалы международной научной конференции. Т. 2*. – Кемерово: Кузбассвузиздат, 2011. – С. 72–78.

давр культлари билан алоқадор муқаддас она – маъбуда ҳайкалчаси бўлиб, унинг тақимига тушиб турган йўғон соч ўрими остида учта саккиз қиррали юлдуз тасвири акс эттирилган¹⁵. Шу обидадан топилган маъбудаларнинг терракота ҳайкалчаларидан айримларининг елкасида, баъзиларининг орқа қисмида юлдуз белгиси чизилганлиги аниқланган¹⁶.

Қадимги сак маданиятига мансуб бўлган санъат асарларидаги шер ёки кушнинг туёкли жониворни бурдалаб, тилка-пора қилаётганлиги лавҳаси ҳам астраль мифология билан боғлиқдир. Археологияга оид адабиётларда “бурдалаш лавҳаси” (“сцена терзания”) номи билан аталадиган бу мотив сак тасвирий санъатининг анъанавий мотивларидан бири бўлиб, унинг семантик моҳиятини талқин қилиш билан боғлиқ бир неча хил қараш мавжуд:

1) “*Магик концепция*”. Г. А. Федоров-Давидов томонидан илгари сурилган ушбу концепцияга кўра¹⁷, бу типдаги лавҳаларда қадимги одамларнинг жониворлар тўғрисидаги эътиқодий ишончлари ўз ифодасини топган;

2) “*Мифологик концепция*”. Бу илмий қараш тарафдорлари Е. Е. Кузьмина, А. К. Акишевнинг фикрича¹⁸, “бурдалаш лавҳаси” акс этган археологик топилмаларда сак мифологияси ва эпосининг сюжетлари акс эттирилган;

3) “*Астрономик концепция*”. Милоддан аввалги IV минг йилликнинг охирида Олд Осиёда истиқомат қилган қадимги одамлар санъатида шернинг буқа ёки охуга ташланаётганлиги лавҳасини акс эттириш кенг урф бўлган эди. Бу лавҳада тасвирланган персонажлар таркиби астраль қарашлар билан боғлиқ ҳолда танланган. Яъни, буқа Хулкар юлдузлари тўпининг тимсоли деб тасаввур қилинган бўлса, кийик Кассиопей юлдузини англатган. Бу жониворларга ҳамла қилаётган шер эса Асад буржининг тасвирий ифодаси деб қаралган. Яхлит олганда, бу сюжет семантикаси замирида табиатнинг баҳорги уйғониши, қиш билан кўклам, совуқ билан иссиқ, ёвузлик билан эзгуликнинг кураши ҳақидаги астрономик тасаввурлар ётади.

Моддий маданият ёдгорликлари тадқиқотчиси Е. Е. Кузьминанинг фикрича, шер ёки семантик жиҳатдан унга вазифадор жонзотлар – гриф ва бургутнинг буқа, оху ёки эчки билан жанги акс эттирилган сюжет Евроосиё халқлари аждодлари мифологиясининг муштарак ижоди эмас, балки Олд Осиёдан ўзлаштирилган асотирий лавҳалардан бири ҳисобланади. Чунки бу

¹⁵ Максимов И. Работа в ремесленном квартале Алтын-тепе // Археологические открытия – 1971. – М., 1972. – С. 528.

¹⁶ Массон В. М. Раскопки жилых кварталов и погребальных комплексов Алтын-тепе // Археологические открытия. – М., 1976–1977. – С. 553.

¹⁷ Федоров-Давыдов Г. А. О сценах терзания и борьбы зверей в памятниках скифо-сибирского искусства // Успехи среднеазиатской археологии. Вып. 3. – Л., 1975. – С. 23–28.

¹⁸ Кузьмина Е. Е. О семантике изображений на Чертомлыцкой вазе // Советская археология, 1976, № 3. – С. 68–70; Акишев А. К. Новые художественные бронзовые изделия сакского времени // Прошлое Казахстана по археологическим источникам. – Алмата: Наука, 1976. – С. 183–195.

сюжет табиатнинг кўкламги янгиланишини ўзида акс эттирган лавҳа сифатида айнан Олд Осиёда милoddан аввалги IV минг йилликнинг охирида кенг тарқалганлиги маълум¹⁹.

Қадимги Шарқ санъатидаги шернинг буқага ҳамла қилиши акс эттирилган астромифологик сюжет юлдузлар туркумининг Наврўз оқшомидаги ўзаро жойлашувининг ифодаси бўлиб, баҳорий уйғониш, янгиланиш ва табиатнинг яшаришини англатган. Аслида қадимги Шумер маданияти таъсирида юзага келган бу ритуал лавҳа Ўрта Осиё санъатида милoddан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмидан эътиборан оммалаша бошлаган. Маҳаллий культлар таъсирида бу сюжет муайян структурал ўзгаришларга учраган: шер ўрнини йўлбарс эгаллаб, унинг ҳамласига дучор бўлган жонзот сифатида буқа ёки кийик эмас, балки икки ўрқачли туя образи тасвирлана бошлаган. Зеро, қадимги скиф-хайвон услубида туя образининг пайдо бўлиши Бактрия маданияти ва культлари билан боғлиқдир²⁰.

Чиндан ҳам туянинг йўлбарс билан олишуви акс этган лавҳа Ўрта Осиё худудидан топилган кўплаб қадимий санъат намуналарида қайд қилинган. Масалан, Қизилтепа темир йўл бекатидан 9 км шимол томонда қадимги Аркуд шаҳри (милодий VIII асрдан кейин “Тавоис” деб ҳам аталган)нинг харобалари бугунги кунда “Шахривайрон” деб юритилади. Ана шу жойдаги қадимий мозорлардан бирида ўтказилган археологик қазув ишлари чоғида йўлбарснинг туя билан олишуви акс эттирилган бронза тўқа топилган. Милoddан аввалги I – милодий I асрларга мансуб бу тўқада орқа оёқларига таянган йўлбарс туянинг олдинги ўрқачини тишлаганча ғажиётгани ҳолати тасвирланган²¹. Йўлбарснинг туя ўрқачини ғажиши тасвирланган тўқалар Бухоро воҳасидаги Лавандак қабристонидан (милoddан аввалги I аср)²², Марказий Қозоғистондаги Қорамурун мозоридан (милoddан аввалги II аср) ҳам топилган²³.

Маълумки, белбоғ тақиш қадимда муайян магик восита тариқасида амалга оширилган. Белга белбоғ боғлаш орқали киши ўзини ташқи кучлардан, ёвуз рухлар таъсиридан муҳофаза қилган. Демак, белга боғланадиган нарсалар аслида магик ҳимоя воситаси ролини ўтаган. Белбоғ боғлаш магик характерга эга бўлиши билан бирга муайян астраль қарашларни ҳам ўзида ифода этган²⁴.

¹⁹ Кузьмина Е. Е. Скифское искусство как отражение мировоззрения одной из групп индоиранцев // Скифосибирский звериный стиль в искусстве народов Евразии. – М.: Наука, 1976. – С. 61–65;

²⁰ Кузьмина Е. Е. Сцена терзания в искусстве саков // Этнография и археология Средней Азии. – М.: Наука, 1979. – С. 80.

²¹ Обельченко О. В. Шахривайранская пряжка // История и археология Средней Азии. – Ашхабад, 1978. – С. 69.

²² Обельченко О. В. Лавандакская пряжка // Общественные науки в Узбекистане, 1968, № 8. – С. 53–56.

²³ Маргулан А. Х., Акишев К. А., Кадырбаев М. К., Оразбаев А. М. Древняя культура Центрального Казахстана. – Алма-Ата. – С. 369–340.

²⁴ Пиотровский Б. Б. Археология Закавказья с древнейших времен до I тысячелетия до н.э. – Л., 1949. – С. 94–95; Обельченко О. В. Шахривайронская пряжка. – С. 70.

Маълумки, Ипак йўли минтақаси халқларининг қадимги эътиқодий қарашлари тизимида муҳим роль ўйнаган монийлик таълимоти ой, қуёш ва юлдузларга топинишни тарғиб этган. Уларнинг маросимларида астраль культлар муҳим ўрин тутган. Бу эътиқодий ишончлар тизимининг асосий моҳиятини ўзида ифодалаган “Хуастуанифт” (“Монийлар тавбаномаси”)нинг иккинчи бўлими “кун ва ой худоларининг фаолияти ва монийликдаги вазифаси”га бағишланган²⁵. Монийлар жамоаси қуёш билан ойни ёруғлик билан зулмат курашидаги ҳал қилувчи кучлар сирасига мансуб деб эътироф этишган. Ҳар бир моний учун кун ва ой маъбудларига бўлган эътиқодни қалбга жо этиш фарз ҳисобланган. Моний шеъриятида ҳам кун ва ой тангрлари Тонг маъбудининг энг яқин ёрдамчилари сифатида мадҳ этилган:

*Кўринган Кун тангри,
Сиз бизларни қўриқланг,
Кўринган Ой тангри,
Сиз бизларни қутқаринг*²⁶.

Бу тўртликда қуёш ва ой тангрлари зулматни қувиб юбориб, оламга ёруғликнинг эзгу нурларини сочувчи буюк қудрат соҳиблари сифатида тасвирланганлиги астраль культлар монийлик мифологиясида тимсол даражасига кўтарилганлигини кўрсатади.

Қадимги хоразмликлар томонидан ясалган бир кумуш пиёланинг ичига чизилган лавҳада жонивор (шер?) шаклидаги тахтда ўтирган тўрт қўлли тождор маъбуд образи тасвирланган. Маъбуд бир қўлида қуёш ва бир қўлида ойни кўтариб турибди²⁷. Бизнинг фикримизча, бу лавҳада ҳам монийлик таъсирида Ўрта Осиёнинг қадимги мифологиясида шаклланган Тонг маъбуди образи тасвирланган.

Ал-Шаҳристониё ўзининг “Ал-милал ва ан-ниҳал” номли асарида монийликда астраль культлар кенг ёйилганлиги тўғрисида шундай маълумотлар келтиради: “Токи Виштасп тахтга ўтиргунига қадар подшолар собийлар (яъни монийлар) динига эътиқод қилишар эди. Улар юлдузларни мўътабар тутишар ва ҳар икки ёритқичга топинар эдилар. Зардушт ҳам аввалига уларга сиғинган бўлса-да, кейинчалик бунда кўпгина чалкашликлар ва тушунмовчиликлар борлигини билгач, оловга топинишни урф қилди”²⁸. Қадимги Фарғонада қуёш тангрисига бағишлаб “ғаройиб обида” бунёд этилган²⁹. Монийлар етти сайёрани мўътабар тутишгани сабабли уларнинг ҳар бири шарафига махсус ибодат-

²⁵ Раҳмонов Н. Рухиятдаги нур муроди. – Т.: А. Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2002. – Б. 17.

²⁶ Раҳмонов Н. Кўрсатилган асар. – Б. 100–101.

²⁷ Толстов С. П. Древний Хорезм. – М., 1948. – С. 192–194.

²⁸ Al-Shahxrastani. Kitab al-millal wa al-nihal. T. 1. – London, 1846. – P. 431 (ушбу маълумотни берганлиги учун профессор Ш. Шомусаровга миннатдорчилик билдирамиз – М. Ж.)

²⁹ Al-Shahxrastani. Kitab al-millal wa al-nihal. – P. 431.

хоналар қуришган. Хусусан, Масъудийнинг келтиришича, Зухал (Сатурн)га олти бурчакли, Муштарий (Юпитер)га учбурчакли, Миррих (Марс)га тўғри бурчакли, Қуёшга тўрт бурчакли, Зухрага тўрт бурчакли девор билан ўралган учбурчак бино шаклидаги, Ойга саккиз бурчакли ибодатхона қурилган. Уторуд (Меркурий) сайёраси шарафига қурилган ибодатхонанинг тузилиши ҳам учбурчак шаклида бўлган³⁰.

Астраль культлар билан боғлиқ муқаддас жойлар ва ибодатхоналарга, шунингдек, астрологик мазмундаги адабиётларга кўпқўлли мифологик персонажларнинг суратини чизиш урф бўлган. Хусусан, Закариё Қазвинийнинг космографик рисоласига номаълум мусаввир томонидан чизилган астраль тимсоллар орасида Зухал сайёрасининг кўп қўлли одам шаклида тасвирланган сурати ҳам бор. Дамашкийнинг маълумотига кўра, собийлар томонидан Уторудга бағишлаб бунёд этилган ибодатхонанинг деворларида қўлларида ям-яшил новдаларни ушлаб турган ёш, навқирон йигитлар образи тасвирланган³¹.

Закариё Қазвинийнинг “Космография” асарида қайд қилинишича, осмондаги юлдуз туркумларидан бирига ҳам “Бар Сиёвуш” номи берилган. Муаллифнинг ёзишича, “Бар-Сиёвуш юлдуз туркуми – ғулнинг бошини кўтариб юради. У чап оёғига тиралиб, ўнг оёғини кўтариб турган одам кўринишида тасвирланган. У ўнг қўлини ўзининг боши узра баланд кўтарган, чап қўлида эса ғулнинг калласини қўлтиклаб турибди. У суратга жо бўлган 26 юлдуз ҳамда суратга сиғмай қолган учта юлдуздан ташкил топгандир”³². Демак, космогоник мифларда Бар-Сиёвуш юлдузи ёвузлик кучларига қарши курашадиган мифологик персонажлардан бири ғулнинг бошини кўтариб турган ҳолатда тасвирланган. Афросиёбдан топилган оссуарийлардан бирининг олд тарафига туширилган бўртма лавҳадаги тасвир ҳам Сиёвуш тўғрисидаги космогоник мифларни ўзида акс эттирган. Унда белига қилич таққан навқирон тождор йигитнинг сурати тасвирланган. Бу лавҳада Миррих сайёрасининг антропоморф кўринишдаги мифологик образи акс этган.

Биянаймандан топилган остадон парчаларида бир қўлида болта, иккинчи қўлида қилич ушлаган ҳокон сурати чизилган бўлиб, шохнинг боши устида янги туғилган ой ва юлдуз тасвири акс эттирилган. Остадоннинг бошқа парчаларида тўртта одам сурати борлигини аниқлаган А. Я. Борисовнинг фикрича, бу сурат зардуштийлик мифологиясидаги астраль тимсоллар билан боғлиқдир³³. Олим Биянайман остадонининг парчаларидаги суратларни яхлит

³⁰ Беленицкий А. М. Вопросы идеологии и культов Согда (по материалам Пянджикентских храмов) // Живопись древнего Пянджикента. – М., 1954. – С. 65.

³¹ Ўша манба. – Б. 70.

³² Ўша манба. – Б. 79.

³³ Борисов А. Я. К истолкованию изображений на биянайманских оссуариях // Труды восточного отделения Государственного Эрмитажа. Вып. 2. – Л., 1936. Табл. 2.

лавҳанинг бўлаклари деб билади ва унда маъбуд Зрван тарзида тасаввур қилинган Зухал сайёраси ифодаланган деб ҳисоблайди. Маълумки, зардуштийлик мифологиясида одам ўлгач, унинг тўрт унсурдан ташкил топган танаси маъбуд Зрван ихтиёрига ўтади, деб тасаввур қилинган.

Демак, Биянайман астадонида тасвирланган тўрт одам сурати инсон танасини ташкил этувчи тўрт унсур ифодаси бўлиб, қўлида болта ва қилич ушлаган оқ соқолли мўйсафид Зухал-Зрван тимсолидир. Зеро, XIV асрда яшаган ад-Дамашқий эса Зухалга атаб қурилган ибодатхоналардан бирида қадимги Бобил астрологик культлари ўз ифодасини топган бўлиб, унда Зухалнинг қўлида болта ушлаган оқ соқолли чол суратидаги тасвири чизилганлигини қайд этади³⁴.

Ўрта Осиё ҳудудида яшаган қадимги аждодларимиз моддий маданиятида юлдузлар ва сайёралар билан алоқадор мифологик тимсолларнинг бу қадар кўп учрашининг муайян тарихий асослари бор. А. А. Фрейман томонидан Муғтоғидан топилган сўғд тилидаги ёзма обидаларни ўрганиш асосида аниқланган тақвимга кўра, бу ўлкада етти кунлик ҳафта ҳисоби кенг қўлланилган. Сўғдийлар тақвимида ҳар бир кун муайян сайёра номи билан аталувчи маъбуд ҳамда илоҳалар исми билан белгиланган. Масалан: якшанба – “Михш заман” (Митра, яъни қуёш куни), душанба – “Мах заман” (Ой куни), сешанба – “Варахан заман” (Миррих куни), чоршанба – “Тир заман” (Уторуд куни), пайшанба – “Ормазд заман” (Муштарий куни), жума – “Анахид заман” (Зухра куни), шанба – “Кайван заман” (Зухал куни)³⁵.

Шунинг учун ҳам қадимги Сўғд ва унинг атрофидаги ҳудудларда ҳафта кунлари номи билан боғлиқ астраль тимсоллар мўътабар саналган. Бу маъбуд ва илоҳалар шарафига алоҳида ибодатхоналар бунёд этилган (фарғоналикларнинг қуёш маъбудиди шарафига қурган кошонаси каби). Бу эса Ипак йўли минтақаси халқларининг қадимги мифологиясида юлдузлар билан алоқадор астраль культлар ва асотирий сюжетлар кенг ёйилишига сабаб бўлган.

³⁴ Ўша мақола. – Б. 44.

³⁵ Фрейман А. А. Описание, публикации и исследование документов с горы Муг // Согдийские документы с горы Муг. Вып.1. – М., 1962. – С. 46.